

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.95.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

АХМАДБЕКОВ БЕХЗОДБЕК ОЛИМБЕК ЎҒЛИ

**КЕКСА ЁШДАГИ БЕМОРЛАРДА ГАСТРОДУОДЕНАЛ ЯРАЛАРДАН
ҚОН КЕТИШНИНГ КЛИНИК ХУСУСИЯТЛАРИНИ БАҲОЛАШ ВА
ЖАРРОҲЛИК ТАКТИКАСИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.27 – Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТ**

Андижон – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Ахмадбеков Бехзодбек Олимбек ўғли

Кекса ёшдаги беморларда гастродуоденал яралардан қон кетишнинг клиник хусусиятларини баҳолаш ва жарроҳлик тактикасини оптималлаштириш..... 3

Ахмадбеков Бехзодбек Олимбек угли

Оценка особенностей клинического течения и оптимизация хирургической тактики язвенных гастродуоденальных кровотечений у пожилых..... 31

Akhmadbekov Behzodbek Olimbek ugli

Assessment of the features of the clinical course and optimization of surgical tactics of ulcer gastroduodenal bleeding in the elderly..... 61

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 65

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.95.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

АХМАДБЕКОВ БЕХЗОДБЕК ОЛИМБЕК ЎҒЛИ

**КЕКСА ЁШДАГИ БЕМОРЛАРДА ГАСТРОДУОДЕНАЛ ЯРАЛАРДАН
ҚОН КЕТИШНИНГ КЛИНИК ХУСУСИЯТЛАРИНИ БАҲОЛАШ ВА
ЖАРРОҲЛИК ТАКТИКАСИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.27 – Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТ**

Андижон – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2024.3.PHD/Tib4979 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.adti.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Абдуллажанов Баҳром Рустамжанович тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Лигай Руслан Ефимович тиббиёт фанлари доктори Хакимов Дилшодбек Мамадалиевич тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Бухоро давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Андижон давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.95.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Ю. Атабеков кўчаси, 1. Тел/факс: (+99874) 223-94-50; e-mail: info@adti.uz, Андижон давлат тиббиёт институти).

Диссертация билан Андижон давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Ю.Атабеков кўчаси, 1. Тел/факс: (+99874) 223-94-50.

Диссертация автореферати 2025 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2025 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

М.М. Мадазимов

Илмий жаражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

М.Ф. Нишанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

М.Ш. Хакимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Статистик маълумотларга кўра, турли ошқозон-ичак трактининг (ЎИТ) қон кетишлари энг кўп учрайдиган жарроҳлик патологиялари орасида учинчи ўринни эгаллайди. Ушбу ҳолат 80% дан ортиқ ҳолларда тез ривожланадиган қон йўқотиш ва камқонлик билан хавфли ҳисобланади. ЎИТ қон кетишларида вақт ҳал қилувчи омил бўлиб, беморнинг ҳаёти бевосита клиниканинг имкониятларига боғлиқ бўлади. ГДЯҚК касалликлари умумий беморларнинг 15-20% ини ташкил қилади, уларда умумий ўлим даражаси 10,8-13,5%, операциядан кейинги ўлим эса 14,7-19,3% ни ташкил этади ва камайиш тенденциясига эга эмас. Агар «умидсизлик операцияси» бажарилса, ўлим даражаси 30-40% ва ундан юқори бўлиши мумкин. Айниқса, 60 ёшдан ошган беморларда операциядан кейинги ўлим даражаси 34-73%гача етади. Бу ҳолат жарроҳлик тактикаси бўйича жарроҳлар ўртасидаги келишмовчиликлар, шунингдек, шифохонагача бўлган босқичда диагностика, операцияга тайёргарлик, операция усули ва ҳажмини танлаш, шунингдек, операциядан кейинги даволашдаги камчиликлар билан боғлиқ. Бундан ташқари, ГДЯҚК билан оғриган беморларда ёшга хос хусусиятларга етарлича эътибор берилмайди. Бу эса клиницистларни мураккаб вазиятга солиб қўяди, чунки олинган натижаларни бир хилда талқин қилиш имкони бўлмайди.

Жаҳон амалиётида ҳозирги вақтда энг долзарб йўналишлардан бири сифатида кекса ёшли беморларда жарроҳлик тактикасини оптималлаштириш мақсадида яра билан боғлиқ гастродуоденал қон кетишларининг клиник кечиши хусусиятларини баҳолаш бўйича тадқиқотлар давом эттирилмоқда, кекса ёшли беморларда яра билан боғлиқ гастродуоденал қон кетиш ҳолатларида фавқулодда ўтказиладиган ташрихларга муқобил сифатида интервенцион радиологиянинг имкониятлари ўрганилмоқда, айрим кекса беморлар гуруҳларида эндоскопия ўтказишнинг оптимал вақти ва ёндашувларини белгилаш, шунингдек интервенцион радиология имкониятлари мавжуд бўлган марказларда, айниқса ташрих хавфи юқори бўлган кекса беморларда, қон кетаётган томирларни трансартериал эмболизация (ТАЕ) қилиш кўрсатмаларини аниқлаш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг замонавий жиҳатлари замонавий интенсив терапия тамойиллари ва хирургик тактикани жорий этиш орқали гастродуоденал яралардан қон кетиши билан оғриган кекса ёшдаги беморларнинг даволаш натижаларини яхшилашга қаратилган чора-тадбирларни ўз ичига олади. Янги Ўзбекистонни 2022-2026 йилларда етти устувор йўналиш бўйича ривожлантириш стратегиясига аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш вазифалари киритилган¹. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, шу жумладан, кекса ёшдаги беморларда гастродуоденал ярадан қон кетишларини хирургик даволаш натижаларини яхшилаш хирургик гастроэнтерологиянинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг. 28. 01 2022 йилдаги «Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган ривожланиш стратегияси тўғрисида» ПҚ-60 сонли Фармони.

қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 октябрдаги ПҚ-5254-сон “Хирургия хизматини трансморфация қилиш, ҳудудларда жарроҳлик амалиётлари сифатини ошириш ва кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 июлдаги ПҚ-5198-сон «Аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. XX асрнинг иккинчи ярми жарроҳлик тиббиётида янги ютуқлар ва илғор технологияларни ГДЯҚКни даволашга татбиқ этиш билан ажралиб турди. Орган сақловчи операциялар, эндоскопик ва эндоваскуляр гемостаз усулларининг клиник амалиётга жорий этилиши кекса ёшдаги беморларда жарроҳлик тактикасини қайта кўриб чиқиш имконини берди. Ҳозирги вақтда ГДЯҚКни жарроҳлик йўли билан даволаш натижаларини яхшилаш асосий вазифа бўлиб қолмоқда, айниқса кекса беморлар орасида. Шу билан бирга, 58-93,5% ҳолатларда кекса беморларда кузатиладиган ҳамроҳ касалликлар жарроҳлик натижаларини сезиларли даражада ёмонлаштиради². Бугунги кунда, XXI аср бошида, биз ҳали ҳам ўзимиздан олдинги авлод жарроҳлар дуч келган муаммоларни ҳал қилишга мажбурмиз. Бу эса жарроҳлик соҳасида эришилган ютуқларни инкор этмайди, балки ҳали тўлиқ ҳал қилинмаган муаммолар мавжудлигини кўрсатади.

ГДЯҚК нинг қайталаниш патологик жараённинг ривожланиш механизмлари (патогенез) бўйича ягона нуқтаи назар мавжуд эмас. Ҳали ҳам оптимал эндоскопик гемостаз усулини танлаш, операция кўрсаткичларини ўз вақтида белгилаш, шунингдек, қон кетишининг қайталанишини олдини олиш учун операциянинг тури ва муддатини аниқлаш муаммолари очиқ қолмоқда. Шунингдек, ГДЯҚКда эндоскопик муолажаларни қўллаш бўйича ижобий натижалар жарроҳлик усулларга қарши қўйилмоқда ва бу борадаги мунозаралар ҳануз давом этмоқда. ГДЯҚК билан оғриган беморларнинг 40% гача бўлган қисмини кекса ва қарилик ёшидаги шахслар ташкил этади. Уларнинг 20% гача бўлган қисми касаллик бошлангандан кейин 24 соатдан кечроқ шифохонага мурожаат қилади, бу эса касаллик кечишини янада оғирлаштиради³. Бундан

² Jimenez Rosales R., Martinez-Cara J.G. et al. Analysis of Rebleeding in cases of an upper gastrointestinal bleed in a single center series. Rev Esp. Enferm Dig. 2018;111(3):189–192.

³ Ивашкин В.Т., Маев И.В., Царьков П.В. и соавт. Диагностика и лечение язвенной болезни у взрослых (Клинические рекомендации Российской гастроэнтерологической ассоциации, Российского общества

ташқари, ГДЯҚҚда гемостаз (қон кетишининг тўхташ) тизимидаги ўзгаришларни аниқлаш муҳим вазифа бўлиб қолмоқда. Қон кетишининг қайталаниш хавфини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш оптимал жарроҳлик тактикаси танловини осонлаштириши мумкин.

Замонавий даволаш усуллари (эндоскопик гемостаз, фармакотерапия, қон йўқотишнинг ўрнини тўлдириш) бирламчи қон кетишини тўхтатишга ёрдам беради, бироқ 10–35% ҳолатларда қон кетиш қайта юзага келади. Қайта қон кетиш бўлганда ўтказилган жарроҳлик операциялари жуда юқори ўлим даражаси билан боғлиқ бўлиб, 35–75% гача етиши мумкин⁴. Қон кетишининг қайталаниш эҳтимолини олдиндан аниқ прогноз қилиш асоссиз кутиш ва асоссиз жарроҳлик аралашувларининг олдини олишга имкон беради. Фақат эндоскопик белгилар асосида қон кетиш қайталанишини прогноз қилиш аниқлиги 70% дан ошиши мумкин. Шунга қарамай, қайта қон кетиш эҳтимолини баҳолаш учун ишлаб чиқилган тизим ва шкаларни клиник амалиётга жорий этиш кўпинча қийин бўлади, чунки улар мураккаб математик ҳисоб-китоблар ва махсус компютер дастурларидан фойдаланишни талаб қилади.

Ҳозирги вақтда қон кетиш манбасига таъсир кўрсатиш учун турли усуллар қўлланилмоқда, улар физик хусусиятлари ва таъсир механизми бўйича фарқланади: Иссиқлик усуллари: электрокоагуляция, аргонплазма коагуляцияси, лазер фотокоагуляцияси ва бошқалар. Инъекцион усуллар: адреналин, спирт, склерозантлар билан инъекция қилиш. Елим қопламалар: цианакрилатлар, тромбин, фибрин елими. Механик усуллар: клипсалаш, лигатурлаш⁵. Ian M. ва ҳаммуал. олиб борган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, эндоскопик аралашувлар фармакотерапия билан солиштирганда қон кетишнинг қайталаниш хавфини камайтиради⁶. Fujishiro M. ва ҳаммуал. томонидан ўтказилган таҳлилда турли эндоскопик гемостаз усуллариининг самарадорлиги баҳоланган. Рандомизацияланган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, бирламчи гемостазга эришиш даражаси ўртача 90% ни ташкил этади, қайта қон кетиш эса 2-10% ҳолатларда юз беради. Тадқиқот муаллифлари инъекцион ва механик усулларни биргаликда қўллашни тавсия қилганлар⁷. Бошқа бир эндогемостаз усули – гемостатик кукунлар ва полимер елим моддаларидан фойдаланиш бўлиб, улар техник жиҳатдан содда ва хавфсизлиги билан ажралиб туради⁸. Бироқ, Vitali F. ва ҳаммуаллифлар томонидан ўтказилган тадқиқотда уларнинг фақат ўзини

колоректальных хирургов и Российского эндоскопического общества) Российский журнал гастроэнтерологии, гепатологии, колопроктологии. 2024; 34 (2): 101 - 131.

⁴ Исмаилов Б.А., Садыков Р.А., Палымбетова Д.Н. Доставочное устройство для применения гемостатического покрытия Гепроцел в малоинвазивной хирургии // Проблемы биологии и медицины. – Самарканд - 2018. - №4 (104) – С. 160 – 163.

⁵ Mackiewicz- Pracka A., Nehring P., Przybyłkowski A. Emergency Endoscopic Interventions in Acute Upper Gastrointestinal Bleeding: A Cohort Study. *Diagnostics* (Basel). -2023 Dec 1;13(23):3584.

⁶ Ian M. Gralnek, Adrian J. Stanley 3.A. et al. Endoscopic diagnosis and management of nonvariceal upper gastrointestinal hemorrhage (NVUGIH): European Society of Gastrointestinal Endoscopy (ESGE) Guideline – Update 2021, *Endoscopy* -2021; 53: 300–332.

⁷ Fujishiro M., Iguchi M., Kakushima N. Et al. Guidelines for endoscopic management of non- variceal upper gastrointestinal bleeding. *Dig Endosc.* 2016;28(4):363-378.

⁸ Park J.C., Kim Y.J., Kim E.H. Et al. Effectiveness of the polysaccharide hemostatic powder in non-variceal upper gastrointestinal bleeding: Using propensity score matching. *J Gastroenterol Hepatol.* 2018; 33:1500–1506.

қўллаш 80% ҳолатда бирламчи гемостазга эришишга ёрдам берган, аммо 30 кунлик кузатув давомида қон кетишнинг қайталаниш даражаси 34% ни ташкил қилган ⁹. Қон кетишни тўхтатиш бўйича жуда кўп усуллар мавжуд бўлса ҳам, уларнинг баъзиларида натижалар етарлича самарали эмас, бу эса эндоскопик усулларнинг янада такомиллаштирилишини талаб қилади. Шундай қилиб, кекса ёшдаги беморларда ГДЯҚК бугунги кунда ҳам долзарб ва тўлиқ ҳал этилмаган муаммо бўлиб қолмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Андижон давлат тиббиёт институтининг илмий ишлари режасига мувофиқ “Инсон хирургик касалликларини ташхислаш, даволаш ва олдини олишда илғор технологияларни ишлаб чиқиш” мавзуси доирасида бажарилган (2022-2024 й.).

Тадқиқотнинг мақсади кекса ёшдаги беморларда гастродуоденал ярадан қон кетишлари клиник кечишининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш ва жарроҳлик тактикасини оптималлаштириш орқали хирургик даволаш натижаларини яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

кексаларда гастродуоденал яралардан қон кетишининг баъзи ўзига хос хусусиятларини ўрганиш, уларни ўрта ёш гуруҳи билан солиштириш;

фаол-кутиш тактикасида анъанавий даволаш усулларини қўллаб асорат ва ўлим даражасининг структурасини, частотаси ва хусусиятини аниқлаш;

қон ивиш ва антикоагуляцион тизимларнинг хусусиятларини аниқлаш ва кексаларда ошқозон яраси касаллиги, атрофдаги органларга кириб бориши билан кечадиган қон кетишининг ошқозон ярасини кесиш учун модификацияланган усулни ишлаб чиқиш;

кексаларда гастродуоденал яралардан қон кетишида яра турларини ҳисобга олган ҳолда, фаол-индивидуаллаштирилган хирургик тактикага асосланган, такомиллаштирилган даволаш-диагностик алгоритмни жорий этиш;

анъанавий ёндашув ва оптималлаштирилган тактика билан таққосланган гуруҳларда бевосита натижаларни қиёсий баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2019 йилдан 2023 йилгача бўлган даврда Республика шохилинч тиббий ёрдам илмий маркази Андижон филиалида ва АДТИ Клиникасининг 3-хирургия бўлимида гастродуоденал ярадан қон кетишлари туфайли ташрих ўтказилган 92 нафар кекса ёшдаги беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети кекса ёшли беморларда қон кетаётган ошқозон ярасини кесиб олишнинг модификацияланган усули ва яранинг атрофдаги аъзоларга пенетрацияси билан кечган ҳолатларда хирургик тактикани типологик хусусиятлар ва гемопоэзни ҳисобга олган ҳолда оптималлаштириш натижаларини ҳамда такомиллаштирилган даво-ташхис алгоритмининг самарадорлигини баҳолашдан иборат.

⁹ Vitali F., Naegel A., Atreya R. Et al. Comparison of Hemospray® and Endoclot™ for the treatment of gastrointestinal bleeding. World J Gastroenterol. 2019;25(13):1592-1602.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мақсадига эришиш ва белгиланган вазифаларни ҳал қилиш учун умумий клиник, лаборатор, инструментал ва статистик тадқиқот усуллари тадқиқот қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

кекса ёшдаги беморларда гастродуоденал ярадан қон кетишларининг айрим типологик хусусиятлари, яъни, ошқозон яраларидан қон кетиш ҳолатлари 32,4% га ортганлиги, «аломатсиз» кечиш 22,5% га ошганлиги, илк 12 соат ичида госпитализацияга мурожаат қилиш 26,5% га кўпайганлиги, геморрагик шок 37,9% га ортганлиги, катта яралар учрашиши 14,9% ни ташкил этиши, қаттиқ чегара ва тубга эга яралар 49,9% ни ташкил этганлиги, Форрест-1 бўйича давом этаётган қон кетиш 19,6% га ортганлиги, терапевтик патология 10,5% га, ҳамроҳ хирургик патология эса 5,8% га ортганлиги аниқланган;

кекса ёшли беморларда гастродуоденал ярадан қон кетишларида анъанавий ёндашувлар билан олиб бориладиган фаол-кутиш тактикаси кутилган натижаларни бермаслиги ва нисбатан юқори ятроген шикастланишлар ва қон кетишлар, шунингдек, жарроҳлик аралашуви билан боғлиқ асоратлар, йирингли-септик яра асоратлари, умумий хусусиятдаги асоратлар ва леталлик билан кечиши аниқланган;

ошқозон ости безига пенетрацияланган меъда яраси қонаётган ҳолатида гастротомик кириш орқали соғлом тўқималар даражасида яра четларини мушак толалари йўналиши бўйича чегараловчи кесмалар орқали яра тубини қолдирган ҳолда кесиб олиш билан тавсифланувчи ярани кесиб олиш усули ишлаб чиқилган;

қоннинг ивиш ва ивишга қарши тизими, шунингдек яра турларини («эски» ёки «кексаликка хос» яра) ҳисобга олган ҳолда такомиллаштирилган даво-ташхисот тартиботини жорий этиш орқали фаол-индивидуаллаштирилган жарроҳлик тактикасининг самарадорлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

гастродуоденал ярадан қон кетишларининг кекса ёшдаги беморларда кечишининг айрим типологик хусусиятлари, шунингдек қоннинг ивиш ва ивишга қарши тизими ҳолатининг таъсири аниқланган;

атрофдаги аъзоларга пенетрация билан кечадиган қон кетаётган ошқозон ярасини кесиб олишнинг операциянинг шикастланиш даражасини пасайтириш, патологик ўчоқни бартараф этиш, операциядан кейинги панкреатит ривожланишини олдини олиш ва жарроҳлик аралашувининг самарадорлигини ошириш имконини берувчи модификацияланган усули ишлаб чиқилган;

кекса ёшли беморларда гастродуоденал ярадан қон кетишларида такомиллаштирилган даволаш-ташхисот алгоритми ишлаб чиқилган;

оптималлаштирилган жарроҳлик тактикаси ошқозон ости безининг ятроген шикастланишларини бартараф этиши, қон кетиш ҳолатларини 11,3% га, специфик асоратларни 10,3% га, яра асоратларини 7,4% га, умумий характердаги асоратларни 6,0% га ва ўлим кўрсаткичини 5,5% га камайитириши клиник жиҳатдан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Натижаларнинг ишончлилиги

беморлар ҳолатини баҳолашнинг объектив мезонлари, лаборатор ва инструментал диагностиканинг замонавий усулларида фойдаланилганлиги, услубий ёндашувлар ҳамда статистик таҳлил жамланмаларининг тўғри қўлланилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, олинган хулосалар ва берилган тавсиялар назарий аҳамиятга эга бўлиб, кекса ёшдаги беморларда гастродуоденал ярадан қон кетишларининг айрим типологик хусусиятларига ҳамда анъанавий ёндашувлар билан олиб бориладиган фаол-кутиш тактикасининг клиник самарадорлигига оид мавжуд билимларни кенгайтиришга муҳим хисса қўшганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, олинган натижалар асосида кекса ёшдаги беморларда атрофдаги аъзоларга пенетрация билан кечадиган қон кетаётган ошқозон ярасини кесиб олишнинг модификацияланган усули ишлаб чиқилганлиги, такомиллаштирилган даволаш-ташхисот алгоритми ишлаб чиқилганлиги ҳамда оптималлаштирилган жарроҳлик тактикаси ошқозон ости безининг ятроген шикастланишларини бартараф этиши, қон кетиш ҳолатларини 11,3% га, специфик асоратларни 10,3% га, яра асоратларини 7,4% га, умумий характердаги асоратларни 6,0% га ва ўлим кўрсаткичини 5,5% га камайтириши клиник жиҳатдан асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Кекса ёшдаги беморларда гастродуоденал ярадан қон кетишларида жарроҳлик тактикасини оптималлаштириш бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот натижалари асосида:

биринчи илмий янгилик: кекса ёшдаги беморларда гастродуоденал ярадан қон кетишларининг айрим типологик хусусиятлари, яъни, ошқозон яраларидан қон кетиш ҳолатлари 32,4% га ортганлиги, «аломатсиз» кечиш 22,5% га ошганлиги; илк 12 соат ичида госпитализацияга мурожаат қилиш 26,5% га кўпайганлиги, геморрагик шок 37,9% га ортганлиги, катта яралар учрашиши 14,9% ни ташкил этиши, қаттиқ чегара ва тубга эга яралар 49,9% ни ташкил этганлиги, Форрест-1 бўйича давом этаётган қон кетиш 19,6% га ортганлиги, терапевтик патология 10,5% га, ҳамроҳ хирургик патология эса 5,8% га ортганлиги аниқланганлиги Андижон давлат тиббиёт институти Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 24 июнда 61-43/у-сон билан тасдиқланган «Кекса беморларда гастродуоденал ярадан қон кетишлари клиник кечишининг хусусиятлари ва жарроҳлик тактикасини оптималлаштириш» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Мазкур таклиф Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Андижон филиалининг 18.07.2024 йилдаги 178-сон, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Фарғона филиалининг 29.08.2024 йилдаги 119-сон ҳамда Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Наманган филиалининг 09.07.2024 йилдаги 15213-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 20 мартдаги 14/04-сон

хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: кекса ёшдаги беморларда гастродуоденал ярадан қон кетишларини даволашда яранинг типологик хусусиятларини инобатга олиш ҳаёт учун хавфли асоратлар ривожланишини олдини олишга, шунингдек беморларни даволаш сифатини оширишга имкон беради. Иқтисодий самарадорлиги: ушбу илмий янгиликдан фойдаланиш асоратларни олдини олиш ва адекват даволаш усулини қўллаш ҳисобига беморларнинг стационарда бўлиш муддатини 2 кунга қисқартиришга ҳамда 1 беморнинг стационарда бўлиши 2 кунлик жами харажатларини қисқариши ҳисобига 1509506 сўм бюджет маблағлари иқтисод қилинишига имкон берган. Хулоса: ушбу илмий янгиликдан фойдаланиш ўрин-кунларни қисқартириш ҳисобига тадқиқот кўлами бўйича (n=92) 138874635 сўм бюджет маблағлари тежалишига имкон беради.

иккинчи илмий янгилик: кекса ёшли беморларда гастродуоденал ярадан қон кетишларида анъанавий ёндашувлар билан олиб бориладиган фаол-кутиш тактикаси кутилган натижаларни бермаслиги ва нисбатан юқори ятроген шикастланишлар ва қон кетишлар, шунингдек, жарроҳлик аралашуви билан боғлиқ асоратлар, йирингли-септик яра асоратлари, умумий хусусиятдаги асоратлар ва леталлик билан кечиши аниқланганлиги Андижон давлат тиббиёт институти Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 24 июнда бi-43/у-сон билан тасдиқланган «Кекса беморларда гастродуоденал ярадан қон кетишлари клиник кечишининг хусусиятлари ва жарроҳлик тактикасини оптималлаштириш» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Мазкур таклиф Республика шошилиньч тиббий ёрдам илмий маркази Андижон филиалининг 18.07.2024 йилдаги 178-сон, Республика шошилиньч тиббий ёрдам илмий маркази Фарғона филиалининг 29.08.2024 йилдаги 119-сон ҳамда Республика шошилиньч тиббий ёрдам илмий маркази Наманган филиалининг 09.07.2024 йилдаги 15213-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 20 мартдаги 14/04-сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: ушбу илмий янгиликни қон кетиш билан асоратланган гастродуоденал яралари бўлган кекса беморларни ташхислашда инобатга олиш ривожланиши мумкин бўлган асоратларни олдини олишга имкон беради. Иқтисодий самарадорлиги: илмий янгиликдан фойдаланиш кекса ёшдаги беморларда гастродуоденал ярадан қон кетишларини хирургик даволашда ятроген зарарланишларни истисно қилиш, қон кетишлари фоизини 13,7% дан 2,4% га, махсус асоратларни 17,6% дан 7,3% га, яра асоратларини 9,8% дан 2,4% га, умумий асоратларни 15,7% дан 9,7% га ва ўлим кўрсаткичини 7,8% дан 2,4% га камайтиришга имкон берди. Натижада тадқиқот кўлами бўйича (n=92) 138874635 сўм бюджет маблағлари тежалишига имкон беради.

учинчи илмий янгилик: ошқозон ости безига пенетрацияланган меъда яраси қонаётган ҳолатида гастротомик кириш орқали соғлом тўқималар даражасида яра четларини мушак толалари йўналиши бўйича чегараловчи кесмалар орқали яра тубини қолдирган ҳолда кесиб олиш билан тавсифланувчи ярани кесиб олишнинг ишлаб чиқилган усули Андижон давлат тиббиёт институти Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 24 июнда бi-43/у-сон

билан тасдиқланган «Кекса беморларда гастродуоденал ярадан қон кетишлари клиник кечишининг хусусиятлари ва жарроҳлик тактикасини оптималлаштириш» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Мазкур таклиф Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Андижон филиалининг 18.07.2024 йилдаги 178-сон, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Фарғона филиалининг 29.08.2024 йилдаги 119-сон ҳамда Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Наманган филиалининг 09.07.2024 йилдаги 15213-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 20 мартдаги 14/04-сон ҳулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: ошқозон ости безига пенетрацияланган қонаётган меъда ярасини кесиб олишнинг ишлаб чиқилган усулидан фойдаланиш қон кетиш билан асоратланган ошқозон яралари бўлган кекса беморлар ҳаётини сақлаб қолишга имкон беради. Иқтисодий самарадорлиги: таклиф этилган усулни қўллаш орқали беморларнинг стационарда бўлиш муддати 2 кунга қисқартирилди. Бунинг натижасида 1 беморнинг стационарда бўлиши 1 кунлик жами харажатларининг ўртача миқдори (дори-дармонлар, текширувлар билан биргаликда) 754753 сўмни ташкил этгани ҳолда 1509506 сўм бюджет маблағлари иқтисод қилинишига имкон берган. Хулоса: ушбу илмий янгиликдан фойдаланиш ўрин-кунларни қисқартириш ҳисобига тадқиқот қўлами бўйича ($n=92$) 138874635 сўм бюджет маблағлари тежалишига имкон беради.

тўртинчи илмий янгилик: қоннинг ивиш ва ивишга қарши тизими, шунингдек яра турларини («эски» ёки «кексаликка хос» яра) ҳисобга олган ҳолда такомиллаштирилган даво-ташхисот тартиботини жорий этиш орқали фаол-индивидуаллаштирилган жарроҳлик тактикасининг самарадорлиги асосланганлиги Андижон давлат тиббиёт институти Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 24 июнда бi-43/и-сон билан тасдиқланган «Кекса беморларда гастродуоденал ярадан қон кетишлари клиник кечишининг хусусиятлари ва жарроҳлик тактикасини оптималлаштириш» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Мазкур таклиф Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Андижон филиалининг 18.07.2024 йилдаги 178-сон, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Фарғона филиалининг 29.08.2024 йилдаги 119-сон ҳамда Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Наманган филиалининг 09.07.2024 йилдаги 15213-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 20 мартдаги 14/04-сон ҳулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: такомиллаштирилган даво-ташхисот тартиботидан фойдаланиш қон кетиш билан асоратланган гастродуоденал яралари бўлган кекса беморларда мақбул даволаш усулини танлашга ва самарали натижага эришишга имкон беради. Иқтисодий самарадорлиги: такомиллаштирилган даво-ташхисот тартиботидан фойдаланиш беморларнинг стационарда бўлиш муддатини 2 кунга қисқартиришга ҳамда 1 беморнинг стационарда бўлиши 2 кунлик жами харажатларини қисқариши ҳисобига 1509506 сўм бюджет маблағлари иқтисод

қилинишига имкон берган. Хулоса: ушбу илмий янгиликдан фойдаланиш ўрин-кунларни қисқартириш ҳисобига тадқиқот кўлами бўйича (n=92) 138874635 сўм бюджет маблағлари тежалишига имкон беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий анжуманларда, жумладан 3 та ҳалқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, бешта боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш қисмида** диссертация ишининг долзарблиги асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ифодалаб берилган, олинган натижаларнинг илмий янгилиги ва илмий-амалий аҳамияти келтирилган, иш натижаларини пробацияси ва эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ҳақида маълумотлар тақдим этилган.

Диссертациянинг «**Кекса ёшдаги беморларда гастродуоденал ярадан қон кетишларини даволашнинг замонавий тенденциялари ва муаммолари**» деб номланган биринчи бобида мавжуд адабиётлар таҳлили тақдим этилган бўлиб, унда қуйидаги масалалар кўриб чиқилган: ГДЯҚКнинг тузилиши, частотаси ва этиопатогенези; Қон кетишининг қайталаниш эҳтимолини прогноз қилиш усуллари; Кекса ёшдаги беморларда ГДЯҚКни жарроҳлик йўли билан даволашнинг замонавий ҳолати; ГДЯҚКда қон ивиш ва антикоагуляцион тизимининг ҳолати. Тадқиқот давомида мавжуд илмий адабиётларда айрим жиҳатлар тўлиқ ўрганилмагани аниқланган, жумладан: сурункали (“эски”) ва ўткир (“кексаликка хос”) яралар фонида кечадиган ГДЯҚКнинг айрим ўзига хос хусусиятлари етарлича тадқиқ қилинмаган; Қон ивиш ва антикоагуляцион тизим ҳолатини чуқур ўрганиш зарурати мавжуд, чунки бу қон кетишнинг қайталаниш хавфини прогноз қилишга ёрдам бериши мумкин; Яра ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда жарроҳлик тактикаси ва операция техникасини янада такомиллаштириш муҳим вазифа бўлиб қолмоқда. Ушбу илмий бўшлиқларни тўлдириш ва жарроҳлик тактикаси оптималлаштириш учун мазкур тадқиқот ўтказилган.

Диссертациянинг “**Клиник материал хусусиятлари ва тадқиқот усуллари**” деб номланган тадқиқотнинг асосий йўналишлари ёритилган бўлиб, 2019–2023 йилларда Андижон давлат тиббиёт институти 3-жарроҳлик клиникаси ва Республика шошилишч тиббий ёрдам илмий маркази Андижон филиали стационарида даволанган 326 нафар беморларнинг жарроҳлик натижалари таҳлил қилинган. Тадқиқот объекти фақат шошилишч тартибда шифохонага

ётқизилган ГДЯҚК беморлари бўлди. Беморларнинг ёш бўйича тақсимооти Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ, 2020) тавсияларига асосланган ҳолда амалга оширилди: Назорат гуруҳи (234 бемор, 2019–2021 йиллар): 60 ёшгача бўлган беморлар (ўртача ёш $35,3 \pm 0,5$). Ушбу гуруҳ биринчи гуруҳ сифатида белгиланди.

Тадқиқот гуруҳи (92 бемор, 2022–2023 йиллар): Кекса ёшдаги беморлар (ўртача ёш $67,2 \pm 0,5$); Ушбу гуруҳ иккинчи гуруҳ сифатида белгиланди.

Беморларнинг жинси, ёши ва ГДЯҚКнинг ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яраси билан боғлиқ частотаси 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Беморларни ёши, жинси, 12 бармоқ ичак ва ошқозон яралари бўйича тақсимланиши

Жинси ва ёши бўйича	ГУРУХЛАР				t-	
	назорат(n=234)		тадқиқот (n=92)			
	абс	%	Абс	%	абс	%
Ўртача ёш	35,3±0,5		67,2±0,5		←↑↑1,9%	
Эркаклар	183	78,2	56	60,9	←↓↓↓↓↓3,3%	←↓1,3%
Аёллар	51	21,8	36	39,1	←↓1,4%	←↑↑1,8%
Ошқозон яралари	13	5,6	35	38,0	←↑↑↑2,7%	←↑↑↑↑6,8%
12 бармоқ ичак яралари	221	94,4	57	62,0	←↓↓↓↓↓3,9%	←↓↓1,5%

Эслатма: ← - олдинги устунга нисбатан, ↑ - кўтарилиши, ↓ - пасайиши.

↓↓ - $p < 0,05$, ↑↑ - $p < 0,05$, ↑↑↑ - $p < 0,01$, ↑↑↑↑ - $p < 0,001$, ↓↓↓↓ - $p < 0,001$

Тадқиқот натижаларига кўра, ГДЯҚКнинг кекса ёшидаги беморларда кечиш хусусиятлари ўрта ёшдаги беморлар билан таққослаб баҳоланди.

Беморларнинг жинси бўйича тақсимооти: Назорат гуруҳида (ўрта ёшдаги беморлар, $n=234$): Эркаклар ва аёллар нисбати – 3,6:1. Тадқиқот гуруҳида (кекса ёшдаги беморлар, $n=92$): Эркаклар ва аёллар нисбати – 1,5:1.

Бу шуни англатадики, ўрта ёшдаги беморлар орасида эркаклар касалликка анча кўп учраган бўлса, кекса ёшдаги беморлар орасида бу тафовут камайган. ГДЯҚКнинг ошқозон яраси ва ўн икки бармоқли ичак яраси билан боғлиқлиги: Назорат гуруҳида (ўрта ёш): ошқозон яралари: 12 бармоқ ичак яраларига нисбати – 1:17. Тадқиқот гуруҳида (кекса ёш): ошқозон яралари: 12 бармоқ ичак яраларига нисбати – 1:1,6. Бу шуни кўрсатадики, кекса ёшдаги беморлар орасида ошқозон яралари нисбатан кўпроқ учрайди, ҳолбуки, ўрта ёш гуруҳида ўн икки бармоқли ичак яраси устунлик қилади.

Назорат гуруҳида эркакларнинг касалланиши аёлларникига нисбатан 3,3% юқори эканлиги статистик жиҳатдан ишончли аниқланди ($p < 0,001$). Кекса ёшдаги аёлларда касалланиш частотаси ўрта ёш гуруҳига нисбатан 1,8% юқори ($p < 0,05$). Кекса ёшдаги беморларда ошқозон яраси назорат гуруҳига қараганда 2,7 баробар кўпроқ учрайди ($p < 0,001$). Ўн икки бармоқли ичак яраси эса, аксинча, кекса ёшдаги беморларда 2,7% га камроқ кузатилган ($p < 0,001$). Хулоса: Ушбу маълумотлар ГДЯҚКнинг ёш билан боғлиқ клиник ўзгаришларини тасдиқлайди,

яъни: Кекса ёшдаги беморларда ошқозон яраси кўпроқ учрайди, Ўн икки бармоқли ичак яраси эса, аксинча, ёши катта беморларда камроқ кузатилади, Касаллик эркакларда кўпроқ учраса ҳам, кекса ёшдаги беморларда эркак ва аёл беморлар сони ўрта ёш гуруҳига нисбатан бир-бирига яқинлашади.

Тадқиқот натижаларига кўра, кекса ёшдаги беморларда ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яраларидан қон кетиш частотаси ўрта ёшдаги беморлар билан солиштирганда сезиларли даражада фарқ қилади. ГДЯҚКнинг ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яраларига боғлиқ частотаси. Ўрта ёш гуруҳида: Ошқозон яраларидан қон кетиш – 5,6%, 12 бармоқ ичак яраларидан қон кетиш – 94,4% Кекса ёш гуруҳида: Ошқозон яраларидан қон кетиш – 38,0%, 12 бармоқ ичак яраларидан қон кетиш – 62,0%. Бу шуни англатадики, кекса ёшдаги беморларда ошқозон яраларидан қон кетиш частотаси анча юқори, 12 бармоқ ичак яраларидан қон кетиш эса, аксинча, камайган.

Бу фарқ кексаларда дорилар, айниқса, ностероид яллиғланишга қарши препаратлар ва антикоагулянтлар қабул қилишининг кўпайиши билан боғлиқ. Ушбу хусусият жарроҳлик тактикаси танловида инобатга олинган.

Ошқозон яраларининг жойлашуви бўйича статистик таҳлил. Кекса ёш гуруҳида ошқозон яраларининг турли жойлашувларида сезиларли фарқлар кузатилди: Субкардиал қисмдаги яралар – 3,7% кўпроқ ($p<0,001$); Ошқозон танаси ва кичик эгриликдаги яралар – 11,7% кўпроқ ($p<0,001$); Препилорик қисмдаги яралар – 5,8% кўпроқ ($p<0,001$); Умуман олганда, ошқозон яралари кекса беморларда 6,8% кўпроқ аниқланган ($p<0,001$).

Ўн икки бармоқли ичак яраларининг локаллашуви бўйича статистик таҳлил Кекса ёш гуруҳида 12 бармоқ ичак яраларининг барча жойлашувлари бўйича камайиш кузатилди: 12 бармоқ ичак олдинги деворидаги яралар – 1,8% камроқ ($p<0,05$); ДЯ орқа деворидаги яралар – 1,8% камроқ ($p<0,05$); 12 бармоқ ичакнинг ён деворидаги яралар – 1,9% камроқ ($p<0,05$); “ойнасимон” яралар – 1,3% камроқ ($p<0,05$); Постбулбар яралар – 1,2% камроқ ($p<0,05$). Умуман олганда, кекса ёш гуруҳида 12 бармоқ ичак яраларининг частотаси ўрта ёш гуруҳига нисбатан 1,5% га камроқ аниқланган ($p<0,05$) (2-жадвал).

2-жадвал

ГДЯҚК билан оғриган беморларнинг яра локализацияси ва диаметрига кўра тақсимланиши.

Яранинг локализацияси	ГУРУХЛАР				t-	
	назорат (n=234)		тадқиқот (n=92)			
	абс	%	абс	%	абс	%
Ошқозон яралари						
ошқозон ва субкардиал қисмда	2	0,9	3	3,3	←↑↑1,5%	←↑↑↑↑3,7
Ошқозон ва кичик эгриликда	3	1,3	14	15,2	←↑↑↑↑4,7	←↑↑↑↑11,7
Ошқозонинг препилорик қисмида	8	3,4	18	19,6	←↑↑2,3	←↑↑↑↑5,8
Барчаси	13	5,6	35	38,0	←↑↑↑2,7	←↑↑↑↑6,8

12 бармоқ ичак яралари						
Олдинги девори	50	21,4	11	12,0	←↓↓↓↓4,5	←↓↓1,8%
Орка девори	69	29,5	15	16,3	←↓↓↓↓4,6	←↓↓1,8%
Ён девори	62	26,5	13	14,1	←↓↓↓↓4,8	←↓↓1,9%
«ойна» қарама қарши	18	7,7	8	8,7	←↓↓2,3%	←↑1,3%
Постбульбар қисм	22	9,4	10	10,9	←↓↓2,2%	←↑1,2%
Барчаси	221	94,4	57	62,0	←↓↓↓↓3,9	←↓↓1,5%

Эслатма: ← - олдинги устунга нисбатан, ↑ - кўтарилиши, ↓ - пасайиши. ↓↓ - $p<0,05$,
↑↑ - $p<0,05$, ↑↑↑ - $p<0,01$, ↑↑↑↑ - $p<0,001$, ↓↓↓↓ - $p<0,001$

Тадқиқот натижалари кекса ёшдаги беморларда ГДЯҚКнинг клиник кечиши ўрта ёш гуруҳига нисбатан сезиларли фарқланишини кўрсатди. Яраларнинг давомийлиги ва хусусиятлари бўйича статистик таҳлил кекса ёш гуруҳида «яширин» (белгиларсиз кечувчи) яралар ўрта ёш гуруҳига нисбатан 2,6% кўпроқ аниқланган ($p<0,01$). Яраларнинг давомийлиги бўйича фарқлар қуйидагича бўлди: 1 йилгача бўлган яралар – 2,1% кўпроқ ($p<0,05$); 1-5 йил давом этган яралар – 2,1% кўпроқ ($p<0,05$); 6-10 йил давом этган яралар – 1,3% камроқ; 10 йилдан ортиқ давом этган яралар – 1,2% камроқ. Бу шуни кўрсатадики, кекса ёш гуруҳида яқинда ривожланган яралар кўпроқ учрайди, узоқ давом этган (ески) яралар эса нисбатан камроқ.

Қон кетиш тарихи (анамнез) бўйича таҳлил. Назорат гуруҳида (ўрта ёш): 67,1% беморда илгари қон кетиш кузатилмаган. Тадқиқот гуруҳида (кекса ёш): 57,6% беморда илгари қон кетиш кузатилмаган, яъни бу кўрсаткич ўрта ёш гуруҳига нисбатан 1,2% кам. 1-2 марта қон кетиш ўтказган беморлар 1,5% кўпроқ ($p<0,05$). 3 ва ундан ортиқ марта қон кетиш ҳолати эса, аксинча, 1,6% камроқ ($p<0,05$). Бу шуни англатадики, кекса ёшдаги беморларда қон кетиш хавфи юқори бўлишига қарамай, уларнинг кўпчилигида бу ҳолат бир ёки икки марта кузатилган, кўп марта қон кетиш эса камроқ учраган.

Беморларнинг шифохонага мурожаат қилиш вақти. Кекса ёш гуруҳида 66,1% (59 нафар) бемор қон кетиш бошлангандан кейин биринчи 12 соат ичида шифохонага ётқизилган. Бу шуни англатадики, кексалар қон йўқотишга нисбатан сезгирроқ бўлиб, улар ўрта ёшдагиларга қараганда тезроқ тиббий ёрдамга мурожаат қилганлар.

Геморрагик шок частотаси. Назорат гуруҳида (ўрта ёш): 41 нафар беморда (17,5%) геморрагик шок қайд этилган. Тадқиқот гуруҳида (кекса ёш) 51 нафар беморда (55,4%) геморрагик шок кузатилган. Бу кекса ёшдаги беморларда геморрагик шок хавфи ўрта ёш гуруҳига нисбатан сезиларли даражада юқори эканлигини кўрсатади. Қон кетишнинг давомийлиги кекса ёш гуруҳида қон кетиш давомийлиги қуйидаги фарқлар билан ажралиб турди: 6 соатгача бўлган қон кетиш – 1,4% кўпроқ; 6-12 соат давом этган қон кетиш – 1,9% кўпроқ ($p<0,05$); 12-24 соат давом этган қон кетиш – 1,2% кўпроқ; 24 соатдан ортиқ давом этган қон кетиш – 2,5% кўпроқ ($p<0,01$). Бу кексалар орасида узоқ давом этадиган қон кетиш ҳолатлари кўпроқ учрашини кўрсатади. Геморрагик шокнинг умумий частотаси кекса ёш гуруҳида геморрагик шок 3,2% кўпроқ аниқланган ($p<0,001$). Геморрагик шок кузатилмаган беморлар ўрта ёш гуруҳига қараганда 1,8% кам ($p<0,05$).

Тадқиқот натижалари кекса ва ўрта ёшдаги беморларда ГДЯҚК кечишининг асосий фарқларини аниқлашга имкон берди. Қон йўқотиш даражаси бўйича таҳлил. Назорат гуруҳида (ўрта ёш): Енгил ва ўрта даражадаги қон йўқотиш – 78,2%. Оғир даражадаги қон йўқотиш – 12,0%. Ўта оғир даражадаги қон йўқотиш – 9,8%. Тадқиқот гуруҳида (кекса ёш): Енгил ва ўрта даражадаги қон йўқотиш – 58,7%. Оғир даражадаги қон йўқотиш – 25,5% Ўта оғир даражадаги қон йўқотиш – 16,3%

Кексалар орасида оғир ва ўта оғир қон йўқотиш ҳолатлари ўрта ёш гуруҳига нисбатан 2 баробар кўпроқ учрайди. Статистик таҳлил шуни кўрсатдики: Енгил қон йўқотиш частотаси кекса ёш гуруҳида 2% камроқ ($p<0,05$); Ўрта даражадаги қон йўқотиш частотаси 1,2% камроқ; Оғир даражадаги қон йўқотиш 2,1% кўпроқ ($p<0,05$); Ўта оғир даражадаги қон йўқотиш 1,7% кўпроқ ($p<0,05$). Бу шуни англатадики, кексалар орасида қон кетиш янада оғир кечади, бу эса даволаш ёндашувини ўзгартиришни талаб қилади. Яраларнинг ҳажми ва тузилиши бўйича таҳлил. Назорат гуруҳида (ўрта ёш): 5–20 мм ўлчамдаги яралар – 86,8%. Катта ва гигант яралар – 13,3%. Тадқиқот гуруҳида (кекса ёш): Катта ва гигант яралар – 28,2% (ўрта ёш гуруҳига нисбатан 2 баробар кўп).

Яраларнинг четлари бўйича фарқлар: Назорат гуруҳида (ўрта ёш): юмшоқ қиррали яралар – 92,3%. Қаттиқ қиррали яралар – 7,7%. Тадқиқот гуруҳида (кекса ёш): Қаттиқ қиррали яралар – 57,6% (ўрта ёш гуруҳига нисбатан 7,5 баробар кўп). Бу шуни кўрсатадики, кексалар орасида ошқозон яраларининг қаттиқ қиррали шакллари устунлик қилади, бу кўпинча дорилар, айниқса ностероид яллиғланишга қарши препаратлар ва антикоагулянтлар қабул қилиш билан боғлиқ.

Яраларнинг ҳажми бўйича фарқлар: 5 мм гача бўлган яралар кекса ёш гуруҳида 1% кўпроқ; 21-30 мм оралиғидаги яралар кекса ёш гуруҳида 2,5% кўпроқ ($p<0,01$); 31 мм ва ундан катта яралар кекса ёш гуруҳида 1,8% кўпроқ ($p<0,05$). Ўрта ёш гуруҳига нисбатан кекса ёш гуруҳида: 6-10 мм ўлчамдаги яралар 1,1% камроқ; 11-20 мм ўлчамдаги яралар 1,3% камроқ.

Бу кекса ёшдаги беморларда катта ва гигант яралар кўпроқ учрашини тасдиқлайди. Форрест классификациясига кўра эндоскопик таснифи. ГДЯҚК нинг эндоскопик таснифи Форрест классификациясига мувофиқ баҳоланди (3-жадвал). Бу жарроҳлик тактикасини танлашда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

3-жадвал

Эндоскопик классификация бўйича тақсимланиши

Forrest бўйича	ГУРУХЛАР				t-	
	назорат (n=234)		тадқиқот (n=92)			
	абс	%	Абс	%	абс	%
F I a	23	9,8	15	16,3	←↓↓1,5%	←↑↑1,7%
F I b	16	6,8	14	15,2	←↓1,1%	←↑↑2,2%
F I c	12	5,1	9	9,8	←↓1,3%	←↑↑1,9%
F II a	77	32,9	28	30,4	←↓↓↓2,8%	←↓1,1%
F II b	43	18,4	10	10,9	←↓↓↓↓4,3%	←↓↓1,7%

Ғ II с	21	9,0	7	7,6	←↓↓↓↓3%	←↓1,2%
Ғ III	42	17,9	9	9,8	←↓↓↓↓4,7%	←↓↓1,8%
Барчаси	234	100	92	100	—	—

Эслатма: ← - олдинги устунга нисбатан, ↑ - кўтарилиши, ↓ - пасайиши.

↓↓ - $p < 0,05$, ↑↑ - $p < 0,05$, ↓↓↓ - $p < 0,01$, ↓↓↓↓ - $p < 0,001$

↓↓ - $p < 0,05$, ↑↑ - $p < 0,05$, ↓↓↓ - $p < 0,01$, ↓↓↓↓ - $p < 0,001$

Назорат гуруҳида (ўрта ёш) давом этаётган қон кетиш (F-I) 51 (21,7%) беморда, тадқиқот гуруҳида (кекса ёш) эса 38 (41,3%) беморда аниқланган. Назорат гуруҳидаги 141 (60,2%) ва тадқиқот гуруҳидаги 45 (48,9%) беморларда қон кетиш субстрати барқарор бўлмаган гемостаз белгилари билан (F-II) аниқланган. 42 (18,0%) ва 9 (9,8%) беморларда қон кетиш анамнестик (F- III) бўлиб, уларга эндоскопик гемостаз қўлланилмаган.

Назорат гуруҳида (ўрта ёш) давом этаётган қон кетиш (F-I) 51 (21,7%) беморда, тадқиқот гуруҳида (кекса ёш) эса 38 (41,3%) беморда аниқланган. Назорат гуруҳидаги 141 (60,2%) ва тадқиқот гуруҳидаги 45 (48,9%) беморларда қон кетиш субстрати барқарор бўлмаган гемостаз белгилари билан (F-II) аниқланган. 42 (18,0%) ва 9 (9,8%) беморларда қон кетиш анамнестик (F- III) бўлиб, уларга эндоскопик гемостаз қўлланилмаган.

